


6-20-2019

INTERPRETATION OF UNIVERSAL VALUES IN ALISHER NAVOI GAZALS

Begoyim Kholbekova researcher
UzSWLU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Kholbekova, Begoyim researcher (2019) "INTERPRETATION OF UNIVERSAL VALUES IN ALISHER NAVOI GAZALS," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 18.

DOI: 10.36078/987654352

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss2/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Бегойим Холбекова

ЎзДЖТУ мустақил тадқиқотчиси

АЛИШЕР НАВОЙИ ҒАЗАЛЛАРИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада жаҳон адабиётининг йирик намоёндаси бири улуғ ўзбек шоири ва давлат арбоби Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот берилди. Шоир яшаб ўтган давр муҳити қисман ўрганилиб, долзарб ижтимоий-ахлоқий масалаларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти хусусида мулоҳазалар билдирилади. Мақолада, асосан ўқувчини ҳайратга соладиган мафтункор ғазалларга эътибор қаратилади. Соф муҳаббат, вафо ва садоқат каби чин инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ғазаллар шарҳланади ва шоир шахсининг фидойилиги, юксак маънавий оламига муносабат билдирилади. Шоирнинг шеърий санъатларни қўллашдаги маҳорати хусусида сўз боради. Ғазаллардан энг саралари инглиз тилига таржима қилиниб, тақдим этилади.

Калит сўзлар: ижтимоий-ахлоқий, лирик, муҳаббат, вафо, садоқат, сўз ўйинлари, шеърий санъатлар.

Begoyim Kholbekova

UzSWLU researcher

INTERPRETATION OF UNIVERSAL VALUES IN ALISHER NAVOI GAZALS

ABSTRACT

The article provides short information of the life and work of one of the greatest representatives of the world literature, the outstanding Uzbek poet and statesman Mir Alisher Navoi. The atmosphere under which the poet lived is studied partially, and thoughts relating to the present importance of urgent social moral issues are expressed. The readers' attention is drawn to charming lyric gazals which enchants readers. The gazals, which contain such true human qualities as pure love, faith and loyalty are commented upon, and an attitude to the loyalty of poet's personality, his moral world is expressed. It also speaks about the poet's high skill in applying pun poetic arts reflected in his gazals. His immortal gazals are translated into English and offered to the consideration of the readers.

Key words: social-moral, lyric, love, faith, loyalty, pun poetic arts.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий жаҳон адабиётининг энг йирик намояндаларидан биридир. Уни чин маънода юқори камолот босқичига кўтарилган буюк инсонпарвар шоир деб айтишга ҳақлимиз. Чунки у ўз даврининг ҳоким тушунчаларидан юқори кўтарила билган, замонасига танқидий кўз билан қарай олган, оддий халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўя олган буюк шахсдир.

Айрим тадқиқотчилар Навоий ижодини бир томонлама – фақат тасаввуф билан боғлиқ ҳолда шарҳлашга уринадилар. Бу адолатдан эмас албатта. Навоий дунёни тушуниб ўтди. У тожу тахт учун курашлар бўлган алғов-далғов замонда ботинан хотиржам бўлиш учун Қуръон оятларидан ҳаловатсиз қалбига ором, руҳий-маънавий кувват, илҳом олиб яшади. Аммо бу – Навоий зоҳидларга ўхшаб, одамлардан алоҳида тоғу-тошларда узлатнишин ҳаёт кечирди, дегани эмас. У одамлар орасида халқ дарди билан яшаб ўтди. Давлат арбоби сифатида ҳам тарихда катта из қолдирди. Ана шунинг учун ҳам унинг кўп рубоийлари, дostonлари халқни қай йўсинда бахтли-саодатли қилмоқ мумкин деган саволга жавоб тариқасида ёзилган.

Алишер Навоий инсонни илму маърифатли бўлишга ундади. Ўз асарларида чин инсоний фазилатлар бўлмиш дўстликни, покиза ишқ-муҳаббатни тараннум этди. У ҳаётдан олган таассуротларини – шодлиги ва қайғусини, орзу-истакларини лирик шеърлари орқали ифодалади. Куйидаги мисралар шоирнинг фидойи қалбидан, юксак даражадаги маънавий олаמידан бизни бохабар этади:

*Ёридин ҳеч ким менингдак зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.
Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтуғўй,
Оти онинг ҳар киши оғзига мазкур ўлмасун.*

Шоир ҳеч ким менингдак зор бўлиб ёридан айрилмасин ва бу тақлид бутун оламга овоза бўлмасин. Майли ўз ишқим ҳақида ўзим сўзлайверай, аммо унинг оти (исми) ҳар кимнинг оғзида зикр этилмасин дея суюкли ёрнинг исми-ни пинҳон тутати. Ўзи ҳижронда азоб чекса-да, аёлни улуғлайди, унинг шаъни-ни ҳимоя қилади.

Тадқиқотларга кўра, Пушкин ўз асарларида 21197 та бетакрор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 мингта. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660 та бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзларнинг туркий тилга ўзлашиш имкониятидан маҳорат билан фойдаланган. Далиллардан кўриниб турибдики, Ҳазрат Навоийнинг сўз захираси ниҳоятда улкан. Аёл гўзаллигини таърифу тавсиф қилишда, сўз ўйинларини зукколик билан қўллашда дунёдаги ҳеч бир шоир Навоий даражасига етган эмас. Улуғ шоир шеърни шунчаки бирор нарсани баён қилиш эмас, балки мўъжиза яратиш деб ҳисоблаган. Мана бу мисраларни, шоирнинг нозик диди, маҳоратини яна бир бор кўрсатиб турибди:

*Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: кўрким қавс буржидин тугубтур офтоб.*

*Бир лабинг жон олди андоқким, бириси билмади,
Эмдиким билди ароларида бордур шаккароб.
Гул каби юзунгда тер фард этди хушумдин мени,
Гарчи беҳуш элга хуш учун муқаввийдур гулоб.*

Мазмуни: Юлдузларга қараб башорат қилувчи мунажжим қошу юзингни никобсиз кўриб, қара офтоб қавс буржидан туғибди деди. Бир лабинг жон олди, бошқаси буни билмай қолди, кейин билсаки, уларнинг орасида шакароб, яъни шакарли сув бор экан. Гул каби юзингдаги тер хушимдан айирди, гарчи хушсиз одамни гулоб, яъни гул суви қувватлантурса-да...

Бу каби ажойиб сўз ўйинлари ҳар қандай ўқувчини ҳайратга солади. Ўқувчи қандай қилиб бир лаб жон олса-ю иккинчиси билмай қолади ёки гул каби юздаги тер қандай қилиб одамни хушидан айириши мумкин деган мулоҳазаларга бо-ради. Шоирнинг даҳолиги ҳам шунда-да. У бошқалар ҳаёлига ҳам келтирмаган ташбеҳларни қўллайди ва шу орқали ёрни ниҳоятда гўзал, истараси офтобдай иссиқ, лаблари болдай ширин, гул каби чиройли юзидаги тер ҳам ўзига жуда ярашиқли эканини, бундай мафтункорликдан одам ўзини унутиб қўйиши мум-кинлигини таъкидлайди.

Барча даҳо санъаткорлар сингари Алишер Навоий ҳам ўзининг номи ва яратган асарлари замонлар оша яшаб қолишига ишонган эди. “Умидим улдулки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан куйи инмагай ва ёзган асар-ларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай”, деб ёзган эди улуг шоир. Бу башоратомуз сўзлар ижобат бўлди. Эндиликда шоир сўзлари жаҳон тилларида дунё бўйлаб ўзининг юксак парвозини давом эттирмакда:

*Pains and grieves in my heart not similar to previous ones,
Separation with that sweetheart not similar to previous ones.
What cruelty she would not make, the favor were latent in them,
Now any of her cruelty not similar to previous ones.
Don't say that Layli and Shirin in beauty equal to her,
In beauty that fairy not similar to previous ones.
I feel cruelty, afflictions, now she is in love with the other one,
I die of it this affliction not similar to previous ones.
Do not assimilate me in love for Farkhad and Majnun's fondness,
This dishonor and humiliation not similar to previous ones.
Do not forbid my heart to visit her street,
Decision on visiting to Caaba not similar to previous ones.*

*Oh, Navoi, do not eulogize Jamsheed and Faridun,
Shah Ghazi's* generosity not similar to previous ones.
Shah Ghazi* - name of Khoseyn Baikara
Translated by B. Kholbekova (B. Холбекова таржумаси)*

Кўнглим ичра дарду гам аввалгиларга ўхшамас
 Ким, ул ойнаинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.
 Не ситамким, қилса раҳм махфий эрди зимнида,
 Эмди қилса ҳар ситам аввалгиларга ўхшамас.
 Демангиз Ширину Лайли онча бор ҳусн ичраким,
 Ҳўбликда ул санам аввалгиларга ўхшамас.
 Жабридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
 Ўлмишамким, бу алам аввалгиларга ўхшамас.
 Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ўхшатманг мени
 Ким, бу расвои дижам аввалгиларга ўхшамас.
 Кўйининг эҳромидин кўнглимни манъ этманг яна
 Ким, анга азми ҳарам аввалгиларга ўхшамас.
 Эй Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
 Шоҳ Ғозийга карам аввалгиларга ўхшамас.

* * *

Hey, zephyr, go to my beauty and tell about my state, say to her,
 And tell about shower of my tears to my sweetheart, say to her.
 If I pass away waiting for her faithfulness to her promise,
 Find a good chance for telling this event so hard, say to her.
 When I dream of my unusual beloved with a charming hair wick,
 I think, I often forget that she is muslim, say to her.
 I give my heart I give all my soul for her pleasure,
 And it's true that she is dearer than me, say to her.
 I'm not sorry for hundred times to die for her,
 But I regret that I have seen her beauty, say to her.
 If there will be hundred thousand beauties,
 I never look at them, tell my fascinator, say to her.
 Having caused my jealousy she shows her rosy cheeks to people,
 I die of it, and people revive tell to my brave naïve, say to her.
 I understand that all beauties of the world flowers are unfaithful,
 And tell about this to my charming rose bud, say to her.
 Hey Navoiy, tell to my eloquent that in this world,
 There isn't any pleasantly singing nightingale as you, say to her.

Translated by B.Kholbekova (Б. Холбекова таржимаси)

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
 Йигларимнинг шиддатин гулбарги ҳандонимга айт.
 Буки анинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи
 Яхши фурсат топсанг, ул бадъ аҳду паймонимга айт.
 Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили,
 Кўфр ила бўлмиш мубаддал номусулмонимга айт.
 Буки қилмишимен жаҳону жоним анинг садқаси,

*Юз туман жону жаҳондин яхиши жанонимга айт.
 Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
 Васлига бир ваъда қилгондин пушаймонимга айт.
 Буки юз минг фитнакўзлуг бўлса пайдо онсизин,
 Қилмағум наззора ҳаргиз кўзи фаттонимга айт.
 Буки чок айлаб ёқа, усрук чиқар эл қасдига,
 Мен ўлиб эл жон топар, бебок нодонимга айт.
 Дахр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,
 Юзи гул жисми суман, кўйи гулистонимга айт.
 Эй, Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушинав
 Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимга айт.*

Шоирнинг руҳий кечинмалари, турмуш воқеаларига бўлган бевосита муносабатлари, хусусан, унинг ҳаяжонли ғазалларида акс этган. Манабу ғазал замондошларимиз маънавий камолоти учун катта тарбиявий, маърифий аҳамиятга эга бўлиб, у бугунги инсоний, оилавий муносабатларда ҳам ибрат бўлгулик ҳаётий сабоқлар, кечинма ва мулоҳазаларни ифода этади:

*Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
 Одами бўлса, пари бирла малакдин ори бор.
 Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар
 Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.
 Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,
 Пардин ўқ жисмиға сончилгон ададсиз хори бор.
 Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур
 Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.
 Сунбули зулфи агар ошuftадур, айб этмаким,
 Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.
 Айлаб ўзни масту беҳуд, чиқмасун майхонадин
 Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.*

*Эй, Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,
 Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.*

(“Наводир уш-шабоб”, 181-ғазал)

Бу асарда етарли ҳаётий тажриба ва мавжуд турмуш кузатишлари заминидан юзага келган ижтимоий ҳулосалар мужассамлашган.

Ғазалнинг биринчи байтиёқ вафо, садоқат, фидойилик каби олижаноб инсоний туйғулар билан йўғрилган. Ягона инсон муҳаббати билан яшаш, ўз севгилисига садоқат Навоий замонида қанчалар долзарб ижтимоий муаммо бўлса, бизнинг давримизда ундан ҳам муҳимроқ ижтимоий-ахлоқий муаммодир. Ўз умр йўлдошларига содиқ яшайдиган, ҳаттоки, пари бирла малакка қайрилиб боқишдан орланадиган чин севги соҳиблари Навоийнинг юксак орзуси эди.

Навоий шундай ошиқона орият — одамийликнинг асосий шартларидан эканлигини алоҳида уқтиради. Бу Навоийнинг шоҳ байтларидан бўлиб, унда шоир мазмун салмоқдорлиги ва таъсирчанлигини тарди акс санъатини “малаксиймо париваш” ва “пари бирла малак” шаклида маҳорат билан кўллаган.

Шоир вафо асосига қурилган ҳаётнинг инсон фароғати ва камолоти учун нақадар ижобий аҳамиятга эга эканини иккинчи байтда куйидагича баён этади:

Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар

Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.

У оилавий фаровонликдан баҳраманд кишини ҳар субҳ, яъни ҳар тонг гул-гул очилиб, чор атрофга чирой улашаётган, хушбўйларини таратаётган ғунчага қиёслайди.

Шоир юқорида севикли ёр васли ғаниматлиги ҳақида фикр юритган эди. Энди ўша фикрни қувватлаш мақсадида гул ва булбул тимсолида айрилиқ изтироби манзараларини ҳам чизади.

Йўқ ажсаб булбулга гул шавқидин ўлмоқ зорким,

Пардин ўқ жисмига сончилгон ададсиз хори бор.

Мумтоз шеърятимиз саҳифаларида булбулнинг гулга шайдолигини акс эттирувчи минглаб байтларни кўздан кечириш мумкин. Уларнинг аксариятида булбулнинг гулга муносабати тавсифий характерда, ахборот тарзида баён этилган. Навоий эса мазкур байтда бадий фикрни ҳаётий тафсиллар билан асослаш йўлидан борган. Шоирнинг талқинича, булбулнинг гулга бўлган муҳаббатига унинг шайдолигигина эмас, балки ҳамдардлиги ҳам боисдир. Гулга булбулнинг ҳамдардлиги боиси шундаки, булбулнинг жисмига пардан ясалган ўқлар каби тиканлар санчилган. Худди шунингдек, гулнинг бадани ҳам тиканлар билан ўралган. Гулнинг мана шу озурдажонлигига куюниш булбулнинг гулга меҳрини янада кучайтирган. Бадий фикрнинг бу қадар топқирлик ва нафосат билан асосланиши Шарқ бадияти илмида "ҳусни таълил" деб юритилган. Рамзий образлар орасидаги бундай мутаносиблик асосида реал инсоний муносабатлар ётади. Инсоннинг инсонга муҳаббати замирида ҳам маҳбубанинг фақат ташқи чиройидан баҳрамандлик эмас, балки унинг маънавий оламига яқинлик, у билан ҳамдардлик мужассам бўлади.

Навбатдаги байт ғазални яратиш чоғидаги Навоий илҳоми ва санъаткорлигининг авж нуқтасидан далолат беради:

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,

Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.

Шоир зулф ва кўз тасвирини яратмоқчи бўлади. Хайратомуз йўл тугиб, бу икки аъзонинг жонли тасвирини вужудга келтириш учун уларни бири-бирига поэтик восита сифатида хизмат қилдиради. Биринчи мисрада «сунбул» ва «ошуфта» сўзлари биланоқ зулфнинг таърифу тасвирини бериб қўя қолади. Ўқувчи маъшуқа зулфини «ошуфта сунбул» сифатида тасаввур эта бошлайди. Гул чехранинг сузук ва мастона кўзларини «икки нозанин бемор»га менгзайди. Навоий ҳазратлари бу ерда ҳусни таълил санъатининг нодир имкониятидан фойдаланиб, зулф ҳолатини кўзлар аҳволи манзараси билан асослайди. У ғазални

нақадар зукко мушоҳада билан бошлаган бўлса, шунчалик теран ҳаётий ўғит билан яқунлайди:

*Эй, Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.*

Бир-бирини тан олмаслик, такаббурлик иллоти ҳар қандай инсоний муносабатларга ҳамиша раҳна солиб келган. Шоир айрилиқ хавфидан огоҳ этади ва ўзликдан кечиб, ёр васлига сазовор бўлиш, уни қадрлашни маслаҳат беради.

Бундай назмий хулосалар асрлардан бери ўзининг ҳаётий қудратини сақлаб келмоқда. У Навоий замондошлари учун қанчалик қадрли бўлса, бизнинг давримиз фарзандлари ва келажак авлодларимиз учун ундан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Navoiy asarlari lug'ati. 4 tomlik – T.: Fan, 1983-1986.
2. Navoiy Alisher. Asarlar. 15 tomlik. – T.: Fan, 1963-1967.
3. Salomov G'. /G'aybulloh as-Salom. Ey umri aziz. – T.: Sharq, 1997
4. Brokgauz F.A. Efron qomusiy lug'ati. XXVIII tom, 451-b.
5. Hojiahmedov A. She'r san'atlarini bilasizmi? – T.: Sharq, 2001.
6. Xondamir "Makorim ul-axloq" /Navoiy zamondoshlari xotirasida. – T.: G'.G'ulom nomi-dagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1986. –B. 79-112.

REFERENCE

1. Dictionary of works of Navoi. 4 drops-t.: Science, 1983-1986.
2. Navoi Alisher. Works. 15 drops. – T.: Science, 1963-1967.
3. Salomov G. /Gaybullah as-Hello. O Dear lifetime. – T.: East, 1997
4. Brokgauz F.A. Dictionary of Efron encyclopedias. XXVIII full, 451–p.
5. Hojiahmedov A. Do you know the art of poetry? – T.: East, 2001.
6. Khondamir "Makorim ul-ahlak" / in memory of Navoi contemporaries. – T.: G.Publishing House of literature and art named after Gulom, 1986. –PP. 79-112.